

“Smart bank” АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил “31 ” оғизеर даги
31-10/1 - сонли йиғилиш баённомаси
билин тасдиқланган

“Smart bank” АЖ
Бошқарувининг
2023 йил “30 ” оғизеर даги
30-10/1 - сонли йиғилиш қарорига
3-илова

SMART BANK	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>I-41</u> Sana: “<u>31</u> ” оғизеर <u>2023</u> yil Imzo: <u>Муртазов.</u></p>
------------	---

“SMART BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ
СИЁСАТИ

Тошкент – 2023 йил

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг таваккалчиликларни бошқариш сиёсати” (кейинги ўринларда Сиёsat деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Сиёsat “Smart bank” акциядорлик жамиятининг (кейинги матнларда Банк деб юритилади) таваккалчиликларни бошқариш тизимини шакллантириш тартибини ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишининг умумий талабларини белгилайди.

2. Ушбу Сиёsatning асосий мақсади Банкда таваккалчиликларни бошқаришга бўлган яхлит ёндошувини шакллантириш ва баён қилиш ҳамда таваккалчиликларни бошқаришнинг интеграциялашган тизимини яратиш.

3. Сиёsat билан белгиланган асосий мақсадларга эришишда Банк томонидан қуидаги асосий йўналишларда ишлар олиб борилади:

дучор бўлган ёки дуч келиши мумкин бўлган таваккалчиликларнинг барча турлари (шу жумладан, сезиларли таваккалчиликлар)ни идентификациялаш, баҳолаш, назорат қилиш ва мониторинг қилиш;

таваккалчиликларни бошқариш тизимининг ваколатлар ва хисобдорлик аниқ кўрсатилган, ахборотларнинг адекват оқимини таъминловчи адекват ташкилий тузилмасини қуриш;

Банк стратегиясини тасдиқлаш доирасида рухсат этилган таваккалчиликлар даражаларини белгилаш ва тасдиқлаш.

4. Банкда юзага келиши мумкин бўлган сезиларли таваккалчиликларни бошқариш тизимининг батафсил тафсилоти Банкнинг тегишли ички меъёрий ҳужжатларида кўрсатилиб ўтилади.

5. Мазкур Сиёsatда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилди:

бозор таваккалчилиги – валюта курслари, фоиз ставкалари ва молиявий инструментлар нархларининг ўзгариши натижасида зарап (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

молиялаштириш (кредит) таваккалчилиги – қарздорнинг Банк олдидаги мажбуриятлари шартнома ёки қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган муддат ва (ёки) шартларда бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги) оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарап (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

комплаенс таваккалчилиги – қонунчилик ҳужжатлари, халқаро ташкилотлар ҳужжатлари ва (ёки) Банкнинг ички ҳужжатларига риоя этилмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарап (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

ликвидлилик таваккалчилиги – Банк ўз мажбуриятларини белгиланган

вақтда бажара олмаслиги оқибатида юзага келиши мүмкін бўлган зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

операцион таваккалчилик – Банк ички жараёнларининг лозим даражада эмаслиги, ходимлар ёки бошқа шахсларнинг қасдан ёки эҳтиётсиз ҳаракатлари, Банкнинг ички тизимларидаги хатоликлар ёки ташқи ҳодисалар таъсири натижасида зарар (йўқотиш) кўриш ва (ёки) режалаштирилган даромадни олмаслик эҳтимоллиги;

риск-аппетит – Банкнинг стратегик мақсадларига ва бизнес-режа кўрсаткичларига эришишда қабул қилишга тайёр бўлган сезиларли барча таваккалчиликларнинг (жами умумлашган ҳолдаги ҳамда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида) миқдори;

риск-аппетит баёноти – Банкнинг Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланадиган ва Банкнинг риск-аппетитини белгилайдиган ҳужжат;

риск профили – Банкда белгиланган санада мавжуд бўлган сезиларли таваккалчиликлар (барча сезиларли таваккалчиликлар бўйича умумлашган ҳамда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида) миқдори;

таваккалчиликларни бошқариш тизими – Банк фаолиятига оид бўлган барча таваккалчиликларни тизимли аниқлаш, ўлчаш, мониторинг ва назорат қилиш, ҳисботини юритиш ҳамда камайтиришга қаратилган, шунингдек банкнинг бошқарув органлари ва таваккалчиликларни бошқаришга масъул бўлинмаларнинг ўзаро муносабатлари тизими;

Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси - Банк Кузутув кенгashi қошидаги ташкил этилади ва Банкда таваккалчиликлар мониторингини амалга ошириш учун масъул орган ҳисобланади;

таваккалчилик чегаралари – таваккалчиликлар даражасини (миқдорини) чегаралаш мақсадида риск-аппетитнинг Банк фаолияти йўналишлари, маҳсулотлари ва бошқа мезонлар кесимида миқдорий тақсимланиши;

сезиларли таваккалчиликлар – Банкнинг молиялаштириш (кредит), ликвидлилик, бозор, операцион ва комплаенс таваккалчиликлари;

стресс-тест ўтказиш – паст бўлсада, содир бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳодисаларнинг (таваккалчиликларнинг) Банкнинг молиявий ҳолатига эҳтимолий таъсирини баҳолаш.

6. Банк қабул қилинаётган таваккалчиликлар билан амалга оширилаётган амалиётлар даромадлилиги ўртасидаги оптимал балансни (мувозанатни) сақлашнинг самарали чораларини қўллашга қаратилган Таваккалчиликларни бошқариш стратегияси доирасида ҳаракат қиласи.

2-боб. Таваккалчиликларни бошқариш тизими

7. Банк таваккалчиликларни бошқаришнинг жорий бозор ҳолати, Банк

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazilish
	Ro'yxat raqami: 1-41
	Sana: "31" oktobr 2018 yil
	Imzo: 

стратегияси, ҳажми, операциялар мураккаблик даражасига мос бўлган, шунингдек таваккалчиликларни самарали аниқлаш, ўлчаш, назорат ва мониторинг қилиш имкониятига эга тизими мавжудлигини таъминлайди.

8. Банкда таваккалчиликларни бошқариш тизими қўйидагиларни ўз ичига олади:

таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини;

таваккалчиликларни бошқариш маданиятини;

таваккалчиликларни бошқариш бўйича Банкнинг ички жараёнлари, ҳужжатлари ҳамда воситаларини;

таваккалчиликларни бошқаришга ва ҳисоботларни тайёрлашга мўлжалланган ахборот тизимини.

9. Банкда таваккалчиликларни бошқариш тизими:

манфаатлар тўқнашувини инобатга олган ҳолда Банкнинг барча таркибий тузилмалари ва ходимлари ўртасида таваккалчиликларни бошқариш бўйича вазифалар, мажбуриятлар ва ваколатларнинг аниқ тақсимланишини;

ҳимоянинг уч чизиги тизими шакллантирилиши орқали таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий тузилмалар ва ички назоратга масъул таркибий тузилманинг Банк операцион фаолиятидан ажратилишини;

Банк фаолиятининг барча йўналишлари ва ташкилий тузилмасида камида сезиларли таваккалчиликларни бошқаришнинг қамраб олинишини;

сезиларли таваккалчиликлар холисона ва ўз вақтида аниқланиши, баҳоланиши ҳамда мониторинг қилинишини, улар бўйича ҳисбот тайёрланишини, уларнинг назорат қилиниши ва камайтирилишини;


Банк хизматлари учун ўрнатилган нарх мазкур хизматлар билан боғлик таваккалчиликлар ва харажатларни инобатга олган ҳолда шакллантирилишини;

таваккалчиликларни бошқариш жараёнларининг тўлиқлигини ва ҳужжатлаштирилишини таъминлайди.

10. Таваккалчиликларни бошқариш тизими ҳимоянинг уч чизиги методига асосланади ҳамда ушбу методга асосан таваккалчиликларни бошқариш бўйича мажбуриятлар Банкнинг қўйидаги таркибий бўлинмалари ўртасида тақсимланади:

ҳимоянинг биринчи чизиги - бевосита Банк хизматларини кўрсатишга масъул бўлган таркибий тузилмалар. Мазкур таркибий тузилмалар таваккалчиликларни қабул қилиб олади, шунингдек таваккалчиликларнинг жорий бошқарилиши юзасидан ҳисботлар бериб боради;

ҳимоянинг иккинчи чизиги - таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий тузилмалар ҳамда назорат функциялари мавжуд бўлган бошқа таркибий тузилмалар. Мазкур таркибий тузилмалр таваккалчиликларни аниқлайди ва бошқариб боради;



химоянинг учинчи чизиги - Ички аудит бошқармаси. Мазкур таркибий тузилма таваккалчиликларни бошқариш тизимини текширади ва баҳолайди.

11. Банк таваккалчиликларни аниқлаш ва бошқариш тизими, жавобгарликлар, чекловлар (лимитлар)ни белгилаш тартиблари Банкнинг тегишли ички меъёрий ҳужжатларида белгиланади.

3-боб. Таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси

12. Таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси Банкда таваккалчиликларни бошқаришда иштирок этувчиларнинг вазифалари, мажбуриятлари ва ваколатлари аник тақсимланишини назарда тутади.

13. Банкди таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси куйидагилардан ташкил топади:

Кузатув кенгаши;

Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси ва Аудит қўмитаси;

Ички аудит бошқармаси;

Банк Бошқаруви;

Молиялаштириш қўмитаси ва Ликвидиликни бошқариш қўмитаси;

Таваккалчиликларни бошқариш бошқармаси;

Комплаенс ва ички назорат бошқармаси;

Банк хизматларини кўрсатишга масъул бўлган таркибий тузилмалар.

14. Кузатув кенгаши Банкда таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали жорий этилишини таъминлайди ҳамда унинг устидан назоратни амалга оширади.

Кузатув кенгаши таваккалчиликлар бошқарилишини таъминлаш мақсадида лозим бўлган барча вазифаларни бажаради.

Кузатув кенгаши Таваккалчиликларни бошқариш бошқармаси ва Комплаенс ва ички назорат бошқармасининг мустақиллигини таъминлайди.

15. Банк Бошқаруви Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган риск-аппетит баёноти, ушбу Сиёsat ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали фаолият юритишини таъминлайди ва ушбуларни амалга ошириш бўйича лозим бўлган барча вазифаларни бажаради.

16. Комплаенс ва ички назорат бошқармаси қонунчилик ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатларига риоя этилишини назорат қиласди ва ушбуларни амалга ошириш бўйича лозим бўлган барча вазифаларни бажаради.

17. Банкда Таваккалчиликларни бошқариш бошқармасининг вазифа, мажбурият ва ваколатларини белгиловчи низом ишлаб чиқилади ҳамда Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Таваккалчиликларни бошқариш бошқармасининг Низомида ушбу бошқарманинг қуидаги вазифалари белгилаб ўтилади:

турли омилларнинг Банк молиявий ҳолати, риск профили, капитали ва

Ro'yxatdan o'tkazildi

Ro'yxat raqami: 241

Sana: "31" oktyabr 2023 yil

Imzo: [Signature]

ликвидлилигига таъсирини таҳлил қилиш учун қўлланиувчи услубиёт ҳамда воситаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг долзарб ҳолатда бўлишини таъминлаш;

молиялаштириш (кредит), бозор, операцион ва ликвидлилик таваккалчиликларини баҳолаш методларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқиша иштирок этиш;

сезиларли таваккалчиликларнинг ўз вақтида аниқланиши, баҳоланиши, мониторинг қилиниши ва улар бўйича ҳисбот тайёрланиши, назорат қилиниши ҳамда мазкур таваккалчиликларнинг камайтирилишини таъминлаш;

таваккалчиликларни юзага келтирувчи ҳолатлар содир бўлганлиги ёки қисқа муддатларда содир бўлиши хақида эрта огохлантириш тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш. Мазкур тизимлар тасдиқланган риск-аппетит ва таваккалчилик чегаралари бузилишига яқинлашиш ёки бузилиш ҳолатларини аниқлаш, мониторинг қилиш ва зарур тавсияларни ишлаб чиқиша қўлланиши лозим;

риск-аппетит баёноти, молиялаштириш (кредит) сиёсати, сезиларли таваккалчиликларнинг ҳар бирини аниқлаш услубиётини ўз ичига қамраб оловчи таваккалчиликларни бошқариш сиёсати, Банкнинг янги маҳсулотларни жорий этиш сиёсати, стресс-тест ўтказиш тартиби, Банкнинг молиявий аҳволини тиклаш режаси, таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси ва бошқа ҳужжатлар долзарблиги ва самарадорлигини баҳолаб бориш, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

таваккалчиликларни баҳолаш методларини, шу жумладан молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини баҳолаш учун рейтинг методларини ва (ёки) скоринг тизимларини текшириб бориш;

Банк хизматлари учун нарх улар билан боғлиқ таваккалчилик ва харажатларни инобатга олган ҳолда шаклланишини таъминлаш мақсадида нарх сиёсати самарадорлигини баҳолаб бориш;


молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш (молиялаштириш турлари, иқтисодиёт тармоқлари, географик ҳудудлар ва бошқалар), шу жумладан муаммоли активларни аниқлаш жараёнлари ва активлар сифатини таснифлаш ҳамда улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш амалиётининг мақбуллигини баҳолаш;

Банкнинг янги маҳсулотлари жорий қилингунга қадар улар билан боғлиқ таваккалчиликлар юзасидан хulosалар тайёрлаш;

стресс-тестларни ўтказиш;

йилда камида бир маротаба Банкнинг риск-профилини ва уни Банкнинг риск-аппетити ҳамда таваккалчилик чегараларига мувофиқлигини баҳолаш;

молиялаштириш (кредит), ликвидлилик, бозор ва операцион таваккалчиликлар бўйича, жумладан



кутилаётган таваккалчиликлар ҳамда уларни камайтириш юзасидан ҳисоботларни Кузатув кенгаши ва Таваккалчиликларни бошқариш қўмитасига ҳар чоракда, Банк Бошқарувига ҳар ойда камида бир маротаба киритиш;

Банк ходимларида сезиларли таваккалчиликлар ҳақида тегишли билимларни шакллантириш мақсадида бир йилда камида бир маротаба тренинг ва ўқув семинарларини ташкил этиш;

капитал монандлигини баҳолаш бўйича ички жараёнлар, стресс-тестлар ва таваккалчилик хусусиятлари асосида Банк капиталига нисбатан табақалаштирилган талабларни белгилаш бўйича таклифларни Кузатув кенгаши ёки Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси ҳамда Банк Бошқарувига киритиш.

18. Банкнинг бошқа таркибий тузилмалари ўз фаолиятлари давомида таваккалчиликларни бошқариш тизимининг талаблари, ВКО томонидан ўрнатилган лимитлар ва чекловларга риоя қиласидар.

4-боб. Банкда таваккалчиликларни бошқариш маданияти

19. Банкда Кузатув кенгаши таваккалчиликларни бошқариш маданиятининг шаклланишига масъул ҳисобланади.

20. Банкда таваккалчиликларни бошқариш маданиятини таъминлаш мақсадида куйидаги чоралар кўрилади:

ходимларга таваккалчиликларни бошқаришда уларнинг ўрни ҳақида маълумот берилиши, бунда уларнинг Банк томонидан ўрнатилган риск-аппетит ва таваккалчилик чегараларига риоя этилишига масъул эканликлари тўғрисида хабардор қилиниши;

Банкнинг корпоратив қадриятлари, малака стандартлари, одоб-ахлоқ қоидалари ва бошқа тегишли ички хужжатлари ходимларнинг эътиборига доимий тарзда етказилиши ҳамда бу борадаги назоратнинг ўрнатилганлиги;

номақбул хатти-харакат ва (ёки) қоидабузарликни амалга оширганлик учун интизомий чоралар қўлланилиши ҳақида Банкнинг раҳбарияти ва ходимлари хабардор қилиниши ва мазкур масала юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимлар сезиларли таваккалчиликлар ҳақида ҳамда мазкур таваккалчиликларни бошқаришда уларнинг вазифалари тўғрисида билимга эга бўлиши учун семинар ва тренинглар ўтказиб борилиши;

Банкда барча учун доимий равишда очик бўлган ички ва ташки мулоқот тизимларининг ташкил этилиши.

5-боб. Таваккалчиликларни бошқариш услублари

21. Таваккалчиликларни бошқаришнинг асосий услублари куйидагиларни ўз ичига олади:

таваккалчилик воситалари ва индикаторларини идентификация қилиш,

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazilish
	Ro'yxat raqami: 1-41
	Sana: "31" dekabr 2023 yil
	Imzo: Рустемов

тахлил қилиш ва баҳолаш; операцияларни регламентлаш; лимитлар ўрнатиш; операцияларни диверсификациялаш; таваккалчилик тўғрисида олдиндан (эрта) огоҳлантириш (олдини олиш) индикаторлари; стресс-тест; таваккалчиликларни хеджирлаш.

22. Таваккалчилик воситалари ва индикаторларини идентификация қилиш, тахлил қилиш, баҳолаш таваккалчиликларни бошқаришнинг бошланғич услублари бўлиб, уларнинг мақсади таваккалчиликларни аниқлаш ва идентификациялаш, таваккалчиликларнинг Банк фаолиятига таъсири характерини аниқлаш, таваккалчиликларни ўлчаш, ҳодисалар ривожининг эҳтимолий сценарийларини моделлаштириш ва башорат қилишдан иборат.

23. Операцияларни регламентлаш амалиётларни бизнес-жараёнларнинг самарали логистикаси ва ички назорат тизимини яратиш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш йўли билан таваккалчиликларни сифатли бошқаришдир.


24. Лимитлар (чекловлар) ўрнатиш таваккалчиликларни бошқаришнинг асосий миқдорий услуби ҳисобланади. Банк таваккалчиликларини назорат қилиш лимитлари Банк даражасида ҳам бизнес-йўналишлари қирқимида ҳам ўрнатилади.

25. Банкда қўйидагиларга ички лимитлар ўрнатилиши мумкин:
активлар ва мажбуриятлар миқдорлари (улушлари);
ликвидлиликнинг ички коэффициентлари;
активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги муддатлар бўйича узилишлар;
валюта турлари;
капиталлаштиришнинг ички коэффициентлари;
очик валюта позициялари ҳажмлари;
молиявий воситалар бўйича концентрация;
контрагентлар билан операциялар;
битта қарз олувчига, шу жумладан Банк билан алоҳида муносабатлардаги қарз олувчига максимал таваккалчилик;

битта депозиторга депозитнинг максимал суммаси;
ўттизта та энг иирик депозиторлар депозитларининг максимал улуши;
молиялаштириш ҳажмлари валюталар, давлатлар, тармоқлар, қарз олувчиларнинг тоифалари ва маҳсулотлар турлари бўйича ўрнатилади;

гаровлар турлари;
молиялаштириш (кредит) портфелининг сифат кўрсаткичлари;
ва бошқалар.

26. Операцияларни диверсификациялантириш актив ва мажбуриятларни



молиявий воситалар ва портфеллар даражасида ҳам, уларнинг таркибий қисмлари бўйича ҳам турли компонентлар бўйича тақсимлаш ҳисобланади.

Активларни диверсификациялаш алоҳида портфеллар ва молиявий воситалар ёки уларнинг компонентлар бўйича даромадлилик (ликвидлилик) пасайган тақдирда йўқотишларни камайтириш имконини беради.

Мажбуриятларни диверсификациялаш эса Банкнинг алоҳида фондлаштириш манбаларига қарамлигини чеклаш имконини беради.

27. Таваккалчиликларни бошқариш бошқармаси Банкнинг таркибий тузилмалари билан биргаликда таваккалчиликлар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида муайян даврийликда таҳлил қилиб бориладиган олдиндан таваккалчиликлар тўғрисида огоҳлантириш (эрта олдини олиш) индикаторларини ишлаб чиқади. Эрта олдини олиш индикаторларини ишлаб чиқишида Банк миқдорий ва сифат кўрсаткичларидан фойдаланади.

Алоҳида активлар ва мажбуриятлардаги концентрациянинг ўсиши, ваколатли орган томонидан белгиланган Банк ички лимитлари ёки пруденциал нормативларининг (лимитга яқинлашиш) критик кўрсаткичларига яқинлашиш (лимитолди ёндошув), даромадларнинг пасайиши, Банк активлари сифати ва молиявий аҳволининг ёмонлашуви, кредит рейтингининг пасайиши ва бошқалар эрта олдини олиш индикаторлари бўлиб хизмат қилиши мумкин.

28. Банкда доимий равишда стресс-тест ўтказилади ва бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни, Банк фаолияти характери ва кўламидаги ўзгаришларни, шунингдек Банкнинг стресс вазиятлардаги мавжуд тажрибасини баҳоланади.

29. Таваккалчиликларни хеджирлаш муддатли битимларни фоиз ставкаларидаги, валюталар курсларида, маҳсулотлар ва молиявий воситалар нархларида салбий ўзгаришлардан суғурталаш.

Бевосита битим предметини суғурталаш, ҳосилавий молиявий воситалар ва хеджирлашнинг маҳсус услублари: своп, фючерс, опционлар ва бошка молиявий воситалар ёрдамида амалга оширилади.

5-боб. Таваккалчиликларни бошқаришга оид ички хужжатлари ва воситалари

30. Кузатув кенгаши таваккалчиликларни бошқариш тизимини самарали ташкил этиш учун қуийдаги ички хужжатларни тасдиқлайди:

Риск-аппетит баёноти;

Молиялаштириш (кредит) сиёсати;

Таваккалчиликларни бошқариш сиёсати;

сезиларли таваккалчиликларни бошқариш сиёсатлари;

Банкнинг янги маҳсулотларни жорий этиш сиёсати;

Стресс-тест ўтказиш тартиби;

Банкнинг молиявий аҳволини тикшаш режаси;

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: J-41
	Sana: "31" oktyabr 2023 yil
	Imzo: [Signature]

Таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси;
Таваккалчиликларни бошқаришга оид бошқа хужжатлар.

31. Риск-аппетит баёноти:

Банкнинг стратегияси, бизнес режаси ва бюджетга оид режалаштиришига мувофиқ бўлиши;

риск-аппетитни шакллантириш жараёнида қўлланиувчи асосий фаразларни ўз ичига олиши;

таваккалчилик чегараларини тасдиқлаш, доимий равишда мониторинг қилиш ва улар бўйича ҳисботларни тайёрлашга оид тартиб-таомилларни ўз ичига олиши;

таваккалчилик чегараларига риоя этилмаган ҳолларда банкнинг бошқарув органлари, тегишли таркибий бўлинмалари ва ходимларини хабардор қилиш шакли ва тартибини белгилаши;

риск-аппетитга киритилган кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиёти ва тартибини, шу жумладан риск-аппетит даражалари ҳисоб-китоб қилинишида иштирок этувчилар тартибини ўз ичига олиши;

ҳар бир сезиларли таваккалчиликнинг умумлашган миқдорини аниқлашда қўлланиладиган миқдорий кўрсаткичларни ҳамда Банк томонидан таваккалчиликларни қабул қилиш ва камайтириш асосларини белгиловчи сифат хусусиятларини ўз ичига олиши;

капитал монандлиги ва ликвидлилик коэффициентлари бўйича ўрнатилган минимал даражадан юқорироқ бўлган мақбул даражаларни белгилаши;

Банк қутилмалари ҳамда стресс-тест натижаларини ҳисобга олиши;


Банкнинг ташкилий тузилмаси ва ходимларни рағбатлантиришга доир хужжатларни инобатга олиши;

риск-аппетитга риоя этилишини мониторинг қилиш имконига эга шаклда ишлаб чиқилиши лозим.

32. Молиялаштириш сиёсати Банк томонидан молиялаштиришнинг умумий қоидалари ва тартиботларини, унинг баҳосини, таъминотга қўйиладиган талабларни, таснифлашни, мониторингини, бошқарилишини ва ахборот (ҳисбот) тақдим этиш жараёнини, услубиёти ва тартибини ўз ичига олиши лозим.

33. Сезиларли таваккалчиликларни бошқариш сиёсалари Банкнинг молиялаштириш (кредит), ликвидлилик, бозор, операцион ва комплаенс таваккалчиликларини бошқариш тизимини ва бошқаришга қўйиладиган талаблар ҳамда сезиларли таваккалчиликларнинг риск-аппетитига қўйиладиган талабларни, мониторингини ва ахборот (ҳисбот) тақдим этиш жараёнини ва тартибини ўз ичига олиши лозим.

34. Банкда янги маҳсулотларни жорий этиш бўйича тегишли қарор қабул қилиниши, баҳоланиши ва хужжатлантирилиши лозим.



Банкнинг янги маҳсулотини жорий этишда қуидагилар баҳоланиши лозим:

янги маҳсулотни жорий этиш лойиҳасининг иқтисодий асосланганлиги;

янги маҳсулотни конунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги;

янги маҳсулот билан боғлиқ таваккалчиликлар, уларнинг Банкнинг риск профили, риск-аппетити, пруденциал нормативларига, шунингдек даромадлилик даражасига таъсири;

янги маҳсулот билан боғлиқ таваккалчиликларни мониторинг қилиш ва бошқариш учун етарли бўлган ички инструментларнинг мавжудлиги;

янги маҳсулотга ўрнатиладиган нарх нарх сиёсатига мувофиқлиги;

янги маҳсулотни жорий этишга тайёрлиги.

35. Стресс-тестдан ўтказиш тартибида қуидагилар белгиланиши лозим:

стресс-тестдан ўтказиладиган таваккалчиликлар рўйхати;

молиялаштириш (кредит), ликвидлилик, бозор ва операцион таваккалчиликларни

стресс-тестдан ўтказиш услубиёти ва воситалари;

стресс-тест ўтказишида иштирок этувчи таркибий тузилмалар, уларнинг мазкур жараёндаги вазифалари, мажбуриятлари, ваколатлари;

стресс-тест натижаларини кўриб чиқиш, уларни ВКОга тақдим этиш тартиби.

Банк стресс-тест натижаларини Банкнинг стратегияси ва бюджетини, жумладан капитал ва ликвидлилигини режалаштиришда ҳамда Банк сиёсатларини ишлаб чиқишида ва таваккалчиликларни бошқариш жараённида қўллайди.

6-боб. Молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини бошқариш

36. Банкда молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтиришга хизмат қилувчи молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини бошқариш тизими жорий этилади.


37. Молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини бошқариш тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

молиялаштириш (кредит) таваккалчилиги бўйича ўрнатилган риск-аппетитни;

молиялаштириш (кредит) сиёсати ҳамда молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини бошқариш жараёнларини;

молиялаштиришга (кредит ажратишга) доир қарорлар қабул қилиш жараёнини;

активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шаҳалдатириш жараёнини;



муаммоли активларни аниқлаш ва улар билан ишлаш тартибини;
молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказиши
тартибини;
молиялаштириш (кредит) таваккалчилиги бўйича ҳисобот бериш
жараёнини.

38. Молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини бошқаришда баланс ва
балансдан ташқари моддалардан куйидагилар ҳисобга олинади:

Банкнинг молиялаштириш бўйича талаблари, шу жумладан қарз, кредит,
микроқарз, микрокредит, лизинг, овердрафт, факторинг;

банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан олиниши лозим бўлган
маблағлар;

молиялаштириш (кредит) таваккалчилиги мавжуд бўлган балансдан
ташқари мажбуриятлар, шу жумладан фойдаланилмаган кредит линиялари,
чақириб олинмайдиган мажбуриятлар, молиялаштириш бўйича бошқа
мажбуриятлар, савдога оид молиялаштиришлар (аккредитив, қафолат ва
кафилликлар);

ҳосилавий инструментлар бўйича банк балансидаги талаблар ва бошқа
молиялаштириш (кредит) таваккалчилиги мавжуд бўлган активлар.

39. Молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини бошқариш
молиялаштириш (кредит) жараёнини бошқаришнинг таркибий қисми
ҳисобланади.

40. Молиялаштириш (кредит) таваккалчиликларини бошқаришда икки
хил ёндошув қўлланилади:

тўғри таваккалчиликларни (аниқ бир қарздор таваккалчиликларини)
бошқариш;

молиялаштириш (кредит) портфели таваккалчиликларини, шу жумладан
мамлакатлар, иқтисодиёт тармоқлари, ўзаро боғлиқ шахслар ва зарур ҳолларда
Банк фаолияти учун муҳим бўлган бошқа кўрсаткичлар бўйича концентрация
таваккалчиликларини бошқариш.

41. Банкда молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини бошқариш
юзасидан алоҳида ички меъёрий хужжат ишлаб чиқилади ва у қуйидагиларни
қамраб олади:

молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш,
мониторинг қилиш, назорат қилиш, камайтириш ва молиялаштириш (кредит)
таваккалчилиги ҳақида ҳисобот бериш тартибини;

молиялаштириш (кредит) таваккалчилигининг чегараларини белгилаш
тартибини;

муаммоли активларни (кредитларни) аввалдан (дастлабки босқичда)
аниқлашга қўйилган талабларни;

молиялаштиришларнинг тўпланишига (концентрацияси), шу жумладан
молиялаштириш маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари, худудлар, гаров

таъминоти тури, валютаси ва қарз олувчилар гурухи кесимида тўпланишига (концентрацияси) нисбатан қўйилган талабларни;

молиялаштириш (кредит) таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказишга қўйилган талабларни;

молиялаштириш (кредит) таваккалчилиги бўйича тайёрланадиган ҳисбот шаклларини, уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

7-боб. Ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш

42. Банкда ликвидлилик таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтиришга хизмат қилувчи ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш тизими жорий этилади.

43. Ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича риск-аппетитни;

ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш сиёсати ва жараёнларини;

ликвидлилик таваккалчилигини баҳолаш ва мониторинг қилиш воситаларини;

банк иш куни давомида ликвидлиликни бошқариш тартибини;

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича стресс-тест ўтказишни;

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича ҳисботларни.

44. Банкда ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш юзасидан алоҳида ички меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилади ва у қуидагиларни қамраб олади:

ликвидлилик таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, юмшатиш ва ликвидлилик таваккалчилиги ҳақида ҳисбот беришга қўйилган талабларни;

ликвидлилик таваккалчилиги чегараларини белгилаш тартибини;

банк иш куни давомида ликвидлилик таваккалчилигини бошқариш тартибини;

активлар ва молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш тамойилларини;

бозор ва контрагентлардан ресурс жалб қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, муқобил манбалар рўйхати ва таркибини;

ликвидлилик таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказишга қўйилган талабларни;

ликвидлилик таваккалчилиги бўйича тайёрланадиган ҳисбот шакллари, уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

8-боб. Бозор таваккалчиликларни бошқариш

45. Банкда бозор таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтиришга хизмат қилувчи бозор таваккалчилигини бошқариш тизими жорий этилади.

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: J-41
	Sana: "31" oktyabr 2023 yil
	Imzo: Рустем

46. Бозор таваккалчилигини бошқариш тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

бозор таваккалчилиги бўйича риск-аппетитни;

бозор таваккалчилигини бошқариш сиёсати ва жараёнларини;

бозор таваккалчилигини баҳолаш ва мониторинг қилиш воситаларини;

бозор таваккалчилиги бўйича стресс-тест ўтказишни;

бозор таваккалчилиги бўйича ҳисоботларни.

47. Банкда юзага келадиган бозор таваккалчилиги қуидаги таваккалчиликларни ўз ичига олади:

қимматли қоғозлар ёки қатъий белгиланган даромад келтирувчи бошиқа молиявий инструментлар қиймати, бозор фоиз ставкаларидағи қутимаган ўзгаришлар туфайли Банкнинг инвестиция портфелида юзага келувчи фоиз таваккалчилигини;

Банкнинг активлари, мажбуриятлари ва балансдан ташқари моддалари қийматига таъсир ўтказувчи хорижий валюта курслари тебраниши оқибатида юзага келувчи валюта таваккалчилигини;

қимматбаҳо металлар, тошлар ва тангаларнинг бозор қиймати ўзгариши туфайли юзага келувчи товар таваккалчилигини;

қимматли қоғозларнинг жорий (ҳаққоний) баҳоси эмитентнинг фаолияти ёки қимматли қоғозлар бозоридаги тебранишлар натижасида ўзгариши туфайли юзага келувчи фонд бозори таваккалчилигини.

48. Банкда бозор таваккалчилигини бошқариш юзасидан алоҳида ички меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилади ва у қуидагиларни қамраб олади:

бозор таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, камайтириш ва бу ҳақида ҳисбот беришни;

бозор таваккалчилиги чегараларини белгилаш тартибини;

бозор таваккалчилигини стресс-тестдан ўтказиш тартибини;

бозор таваккалчилиги бўйича тайёрланадиган ҳисбот шакллари, уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

9-боб. Операцион таваккалчиликларни бошқариш

49. Банкда операцион таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтиришга хизмат қилувчи операциён таваккалчиликларни бошқариш тизими жорий этилади.

50. Операцион таваккалчилик қуидагилар билан боғлиқ ҳолатларда юзага келади:

ички фирибгарлик;

ташки фирибгарлик;

ходимларни бошқариш ва меҳнат муҳофазаси;

мижозлар, Банк маҳсулотлари ва ишбилармонлик нормалари;

фаолиятдаги нобарқарорлик ва ишчилик нормалари;

Ро'йматларидан муаммолар;

Ro'yxat raqami: 141

Sana: "31" oktabr 2023 yil

Imzo: Муродов



тұловларни амалға ошириш ва тұлов хужжатларини тақдим этишдаги муаммолар.

51. Операцион таваккалчилиқни бошқариш тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

операцион таваккалчилик бүйича банкнинг риск-аппетитини;

операцион таваккалчиликтерни бошқариш сиёсати ва ички тартибларини;

операцион таваккалчиликни баҳолаш ва мониторинг қилиш воситаларини;

операцион таваккалчиликтерни бүйича стресс-тест ўтказиш тартибини;

операцион таваккалчиликтерни бүйича ҳисоботни.

52. Банкда операцион таваккалчиликтерни бошқариш юзасидан алохida ички меъерий хужжат ишлаб чиқлади ва у қуидагиларни қамраб олади:

операцион таваккалчиликтерни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, камайтириш ва операцион таваккалчилик ҳақида ҳисобот берішга қўйиладиган талабларни;

операцион таваккалчилик чегараларини белгилаш тартибини;

операцион таваккалчилик холатларини аниқлаш мезонларини;

операцион таваккалчилик стресс-тестдан ўтказиш тартибини;

операцион таваккалчилик бүйича тайёрланадиган ҳисобот шакллари, уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

10-боб. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш

53. Банкда комплаенс таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва камайтиришга хизмат қилувчи комплаенс таваккалчилигини бошқариш тизимини жорий этилади.

54. Комплаенс таваккалчилигини бошқариш тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

комплаенс таваккалчилигини бошқариш сиёсати ва тартибларини;

комплаенс таваккалчилиги бүйича ҳисоботни.

55. Банкда комплаенс таваккалчилигини бошқариш юзасидан алохida ички меъерий хужжат ишлаб чиқлади ва у қуидагиларни қамраб олади:

комплаенс таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш, камайтириш ва бу ҳақида ҳисобот берилишини;

ҳисоботлар шакллари, уларни тақдим этиш тартиби ва даврийлигини.

11-боб. Таваккалчиликтерни бошқаришга ва ҳисоботларни тайёрлашга мўлжалланган ахборот тизими

56. Банк фаолиятининг барча йўналишлари бүйича маълумотларни ифтиш, жамлаш, таваккалчиликтерни ишончли тарзда баҳолаш ҳамда таваккалчиликтерни бүйича ҳисоботлар тайёрлаш имконини берувчи

Ro'yxatdan o'tkazildi

Ro'yxatga qamdi: 1-91

Sana: "1" oktyabr 2023 yil

Imzo: Murtazov



таваккалчиликларни бошқаришга мўлжалланган ахборот тизими жорий этилади.

57. Таваккалчиликларни бошқаришга мўлжалланган ахборот тизими Банк операцияларининг хусусияти, қўлами ва мураккаблик даражасига мувофиқ бўлади ва қўйидагилар таъминланади:

таваккалчиликлар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини;
ахборотларнинг тўлиқлиги ва мослашувчанлигини;
хисоботларнинг шакллантирилиши ва ўз вақтида тақдим этилишини.

12-боб. Якуний қоидалар

58. Мазкур Сиёсат қоидаларини бузган Банк ходимлари ва шахслар амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар хисобланади.

59. Сиёсатга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгани томонидан тасдиқланади.

60. Мазкур Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

61. Ушбу Сиёсатнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари нормаларига ва Банк Уставига амал қилинади.

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: I-41 Sana: "31" oktyabr 2023 yil Imzo: Муртазаев
------------	---



ЮРИДИК ХУЛОСА

10.2023 йил

(норматив-хукукий хужжатни хукукий экспертизадан ўтказиш түгрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган мебёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Таваккалчилликларни бошкарин Сиёсати.

Экспертиза ўтказилда фойдаланилган конунчиллик ва мебёрий хужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўгрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида”ги Конунлари, банкнинг Устави ва ички меърий хужжатлар.
--	--

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги
конунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк
тизимида таваккалчилликларни бошкарин тизимини
шакллантириш тартибини, хусусан таваккалчилликларни
бошкарин тизимини, ташкилий тузилмаси, бошкарин маданияти,
услублари, бошкаринга оид ички хужжатлари ва воситалари,
молиялаштириш, ликвидилик, бозор, операцион ва комплаенс
таваккалчилгини бошкарин каби муносабатларни амалга
ошириш тартибларини белгилайди.

Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқиндана конунчиллик техникаси
коидаларига риоя килинган.

Юридик департаменти
бошлиғи 
M.F. Уломжонова 

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган мебёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Таваккалчилликларни бошкарин Сиёсати.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги
конунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк
тизимида таваккалчилликларни бошкарин тизимини
шакллантириш тартибини, хусусан таваккалчилликларни
бошкарин тизимини, ташкилий тузилмаси, бошкарин маданияти,
услублари, бошкаринга оид ички хужжатлари ва воситалари,
молиялаштириш, ликвидилик, бозор, операцион ва комплаенс
таваккалчилгини бошкарин каби муносабатларни амалга
ошириш тартибларини белгилайди.
Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқинда конунчиллик техникаси
коидаларига риоя килинган.

Юридик департаменти
бошлиғи 
M.F. Уломжонова 